# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 29 апрель, № 84 (5251) Жума


*БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!*

# ЭЪЗОЗ ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

***Халқимизнинг яхши одатлари, анъаналари кўп. Каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш онгу шууримизга сингиб кетган ана шундай эзгу фазилатлардан бири. Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ таълим даргоҳида бўлсин, ёшлар тарбиясида ушбу жиҳатларга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиладики, токи миллий қадрият даражасига кўтарилган ушбу анъана эртамиз эгалари қалбини тарк этмасин. Бундан ташқари, ўтганларни хотирлаш, уларнинг ибратомуз ишларини ёдга олиш ҳам бетакрор қадриятларимиз сирасига киради.***

**Фахр**

Ҳар гал истиқлол ҳақида сўз юритганимизда, унинг ҳар бир ўтган куни, ҳар бир соати қадрли, дея бот-бот такрорлаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, мустақиллик туфайли, Президентимизнинг оқилона сиёсатлари боис озод ва обод юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётир. Инсон қадри улуғланмоқда, кексаю ёш бирдек ардоқланиб, шаҳару қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этаяпти. Истиқлол шарофати билан хотира ва қадрлаш деган олижаноб тушунча асл маъно-моҳияти билан ҳаётимизга кириб келди. Мана, бир неча йилдирки, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

(Давоми 3-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

***Шу йилнинг 22 — 23 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мухбиримиз конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.***

# «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**Верена КАРИМИ, “Kronen Zeitung” газетаси мухбири (Австрия):**

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлдим. Ҳар гал ташриф буюрганимда, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўриб, тўғриси, ҳайратланаман. Бундай ўзгаришларнинг омиллари хусусида ҳамкасбларимиз билан кўп бора мушоҳада юритамиз.

Конференцияда қилинган маърузалар, айтилган рақамлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида шуни аниқ билдимки, бундай марраларга осонликча эришилмаётган экан. Биргина мисол, Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригида мустақиллик йилларида одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етгани, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайгани алоҳида ғурур билан тилга олинган. Бу шунчаки қуруқ рақамлар эмас, балки “ўзбек модели” асосида жамиятнинг барча жабҳасида битта мақсадга, яъни инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат маҳсулидир.

Конституциянгиз билан танишиб, шунга амин бўлдимки, дунёнинг камдан-кам давлатларида учрайдиган бир жиҳат — жамиятда адолат принципининг асоси яратилган. Ана шу асос ва Президент Ислом Каримовнинг амалда ўзини намоён қилган ҳамда пухта ўйланган сиёсати туфайли аҳолининг барча қатламлари орасида кескин ижтимоий тафовутларга йўл қўйилмаган. Журналист бўлганим учун одамлар турмуш тарзи, ҳаёт йўлига кўпроқ қизиқаман. Оддий бир мисол. Кўчаларингизда, асосан, юртингизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналар кўп экан. Гап бу маҳсулотни Ўзбекистон ишлаб чиқараётганида эмас, балки барчанинг мана шу машиналарни харид қилишга қурби етаётгани, одамлар турмуш даражаси яхшиланиб бораётганидадир. Ўйлайманки, Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Концепция мана шу ютуқ ва марраларни янада мустаҳкамлайди.

**Лаура Жузеппина МАЖИ, “Артур-трейдинг” компанияси президенти (Италия):**

— Ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда энг муҳим омиллардан бири, табиийки, хусусий мулк ва кичик бизнеснинг қонун билан ҳимояланганй ҳамда унга қулай ишчан муҳит яратилишидир. Зеро, бу омиллар аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтирибгина қолмасдан, жамиятда кучли фуқаролик позициясининг шаклланишига, одамларнинг атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан янада зийрак муносабатда бўлишига хизмат қилади. Президент Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мана шу жиҳатнинг тўла қамраб олинганини кўриш мумкин. Зеро, Ўзбекистонда аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ўсиб, унинг 47 фоизи мутлақо янги бўлган мулк шаклларидан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган, демакки, Ўзбекистон учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Президентингиз айнан шунинг учун ҳам мазкур соҳани янада юксалтириш, тадбиркорликка кенг шароит яратиш бўйича комплекс ташаббусларни рўёбга чиқараяпти, десак, муболаға бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари” мавзуида амалий семинар ўтказилди.

# ҚОНУНИЙЛИК, ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ

### сайлов жараёнларининг демократик руҳда ўтишини таъминлайди

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳлари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви, фуқаролар йиғинлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, истиқлол даврида фуқаролик жамияти бош бўғини бўлган маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларга бўладиган сайловни тартибга солувчи иккита қонун, бундан ташқари, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини акс эттирган 70 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Бўлажак сайлов ушбу қонунчилик асосида ўтказилади. Фарғона вилоятида ҳам мазкур жараёнга амалдаги қонунчилик асосида ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, вилоятдаги 1020 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилди. Айни пайтда кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Бўлажак сайлов сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилади, — дейди Фарғона шаҳар 44-Бешбола маҳалла фуқаролар йиғини ишчи гуруҳи раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати А. Абдуллаев. — Бу нафақат кўмаклашувчи комиссия ёки аҳолининг, балки ишчи гуруҳларининг масъулиятини янада оширади. Зеро, бу галги сайловда вилоятимиз бўйича 1020 нафар раис ва уларнинг 9600 дан зиёд маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилмоқда. Демак, эл орасида обрў-эътибор қозонган, ташкилотчилик қобилиятига эга ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этадиган ана шунча юртдошларимизни танлаб олишимиз зарур.

Тадбирда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Айни чоғда маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ўрнини ошириш, уни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш ҳамда аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, аҳолининг ушбу жараёндаги фаоллигини ошириш, бунинг учун эса тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини изчиллик билан либераллаштириб боришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги амалий ишларнинг мисоли сифатида судлар мустақиллигининг таъминланиши, жиноий жазолар изчил ва босқичма-босқич либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослаштирилиши, “Хабеас корпус” ва “ярашув” каби институтларнинг амалиётга жорий этилиши фикримиз далилидир.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Юртимиз тараққиётининг навбатдаги босқичида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотлар тизимида Жиноят-процессуал кодексидаги мавжуд тамойилларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Бунда судда ишларни юритишда тортишув принципининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Зеро, суд жараёнидаги ҳақиқий тортишувлар, яъни тарафларнинг илтимос билан мурожаат қилиши, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари адолатни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бу одил суд жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб, демократик талабларга тўлиқ мос келади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида айнан мазкур масалалар келгусида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг муҳим йўналиши эканлиги белгилаб берилди. Хусусан, унда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилди. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос эмас. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

**Анжуман**

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, электр энергетикаси тизимини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш жараёни жадал давом этмоқда.

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

### электр энергетикаси тизимида янги саҳифалар очади

Бундан кўзланган асосий мақсад соҳага замонавий технологияларни жорий этиш орқали нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки табиий ресурсларни тежаш, йўқотишларнинг олдини олиш, энг муҳими, аҳолига бир қатор қулайликлар яратиш эвазига таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришдан иборат.

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилинишича, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, яқин беш йилда 44 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши белгилаб олинган.

(Давоми 3-бетда).

**Бугун Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинларининг республика босқичи бошланади.**

# СУРХОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Сурхон воҳасида илк бор ташкил этилаётган ушбу нуфузли мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 867 нафар ёш йигит-қиз спортнинг 12 тури бўйича ўзаро куч синашади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизимига асос солинди. Булар — умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштириладиган “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртлари

(Давоми 4-бетда).

# БАРАКА – ТАШАББУСКОРЛИКДА

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида фермерлар фаолиятига бизнинг юртимиздагидек алоҳида эътибор берилиб, уларнинг меҳнати юксак даражада қадрланмаса керак. Бундай дейишимнинг бир неча сабаблари бор.

Аввало, еримизни ҳайдашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунимизга қадар бўлган даврда барча тадбирларга тегишли ташкилотлар мутахассислари, таъминотчи корхоналар вакиллари бош-қош бўлишади. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига қаратаётган эътибори, берилаётган имтиёзлар самарасини ҳар қадамда ҳис этиб турамиз. Буларнинг бари бизни фидокорона ишлашга даъват қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида бизнинг фермер хўжалигимизда ҳам бўлиб, қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермер ва деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашди. Учрашув чоғида ғалладан мўл ҳосил тўплаш, ғўза парвариши ва мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехника тадбирлари хусусида қимматли маслаҳатларини эшитиб, очиғи, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланди.

**Дил сўзи**

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Деҳқонларимизда кўкламнинг бир куни йилга татийди, деган нақл бор. Шу боис ғўза ривожи ва ҳосил тақдирида ҳал қилувчи айни шу паллада агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган деҳқон ютади. Деҳқончиликда аслида осон йил ёки қулай мавсумнинг ўзи бўлмайди. Аммо сув тақчиллиги кутилаётган бу йил деҳқонларимиздан янада омилкорлик билан иш тутишни, сувдан оқилона фойдаланишни талаб қилади”.

Чиндан ҳам, ҳар йили табиат ўзининг инжиқликлари билан деҳқонларни синовдан ўтказади. Масалан, ўтган йили ғўза ривожида ернинг намини қочириш талаб қилинганди. Бу йил бунинг акси. Лекин кўп йиллик тажрибага таяниб, фидокорона меҳнат қилган фермер ҳеч қачон ер чизиб қолмаган. Бизнинг “Ат-Термизий Намуна” фермер хўжалигимизда 2010 йилда эришилган натижалар бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, ўтган йили 34 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта, 23 гектар ғаллазордан 70 центнердан сара дон йиғиштириб олиб, 106,6 миллион сўм даромад кўрдик. Шунинг 26 миллион сўми соф фойда эканлиги қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

*Миллий ҳунармандчиликни қадриятларимиз гавҳарига қиёслашади. Бу бежизга эмас, албатта. Зеро, ушбу соҳа бой ва бетакрор тарихий меросимиз тимсоли бўлиши баробарида, мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий замин яратилган.*

## Миллий ҳунармандчилик:

# ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА НАТИЖА

Чунончи, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат тармоққа аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшларни кенг жалб этиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинди. Унга биноан, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати 2012 йил 1 апрелига қадар узайтирилди.

Маълумки, бадиий буюмларни қўлда тайёрлашдек асрий анъана ҳунармандчиликнинг бор жозибаси, мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Шу боисдан бугунги кунда бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, турли кўргазмалар, кимошди савдолари ўтказилиб, ихтисослаштирилган савдо дўконлари тармоғи ташкил қилинмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, Фармонда соҳада якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулоти нархини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда белгилаши кўзда тутилган. Бу эса соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Бундай саъй-ҳаракатлар, пировардида ўз самарасини бермоқда. Қисқа вақт ичида "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларининг сони кескин кўпайгани бунинг исботидир. Масалан, 2008 йилда бу борадаги кўрсаткич 11743 нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг март ойигача уларнинг сони 21070 нафарга етди.

Бу эса хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш, айни чоғда маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни жаҳонга танитиш йўлидаги ишларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Бу навбатида, ҳунарманд-тадбиркорлар солиқ имтиёзларидан тежаб қолинган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқариш

**Мушоҳада**

кўламини кенгайтириб бормоқдалар. Чунончи, 2009 йилда 5358 нафар ҳунарманд учун 4 миллиард 301 миллион сўмлик солиқ имтиёзи берилган эди. 2010 йилга келиб уларнинг сони 5635 нафарга етиб, преференция миқдори ҳам шунга яраша — 6 миллиард 164 миллион сўмни ташкил этди.

Эришилаётган ютуқлар, яратилаётган шарт-шароитга қарамасдан, соҳада айрим нуқсон ва камчиликлар ҳам кузатилаётир. Гап шундаки, баъзи ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан соҳа ривожига етарли эътибор берилмаган, тарғибот-ташвиқот ишлари сусайтириб юборилган. Чунончи, Наманган вилоятида 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан имтиёзлардан фойдаланган ҳунармандлар сони 564 нафардан 319 нафарга ёки 43,4 фоизга камайгани, демакки, солиқдан тежалган маблағ миқдори 463,3 миллион сўмдан 341,8 миллион сўмга ёки 26,2 фоизга тушиб қолгани таассуфланарлидир.

Бундан ташқари, соҳадаги мавжуд имкониятларни, унинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини ҳунарманд-тадбиркорларга кенгроқ тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Негаки, амалдаги тартиб-таомиллардан етарли хабардор бўлмаган ҳунармандлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишда айрим чекловларга учраётганликларини айтишмоқда. Мисол учун, баъзи ҳунармандлар 1000 АҚШ долларигача тенг бўлган маҳсулотларни мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқишга рухсат этилганлиги, бу эса кўпчилик ҳолларда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслиги, бундан ортиқча қийматдаги товарларни олиб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлашади.

Ваҳолонки, давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 10 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, экспорт-импорт амалиётларини соддалаштириш ва экспортчиларни рағбатлантириш, яъни улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб барча турдаги экспортга чиқарилаётган товарлар, ишлар ва хизматлар божхона божидан озод қилинди, уларнинг экспорт билан шуғулланиши лицензияланмайдиган фаолият тури сифатида белгиланди. Жумладан, ҳунармандчилик маҳсулотлари экспортида уларнинг миқдори (сони) ва қиймати бўйича ҳеч қандай чеклашлар йўқ, аксинча, соҳа равнақи учун дунёнинг ривожланган мамлакатларида қўлланилаётган имтиёзлар берилган. Булар ишлаб чиқарувчи учун айни муддао бўлиши билан бирга, юртимиз иқтисодиёти салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш ривожи учун яратиб берилаётган шарт-шароитдан тўлақонли ва самарали фойдаланиш аҳоли бандлиги, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш, валюта маблағларини иқтисодиётга жалб қилишни кўпайтириш, энг муҳими, халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Эркин ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ФАОЛЛИК ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

***Бухоро вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг иш услубини ўрганишга бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Сенат комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлис қатнашчилари халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг ва унинг доимий комиссияларининг амалий тажрибаси ҳамда ишни режалаштириши билан ҳар томонлама танишдилар, шунингдек, таклиф этилганлар сифатида вилоят Кенгаши сессияси ишида қатнашдилар. Бундай тартиб, яъни таклиф этилганлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва унинг доимий комиссияларининг иши халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг регламенти ҳамда доимий комиссиялар тўғрисидаги низомда кўзда тутилганлигини таъкидладилар.

**Парламент ҳаёти**

Сессиялар кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва масалаларни муҳокама қилиш услублари мажлис иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши томонидан сессияларга ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоят Кенгаши сессияларида қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш, Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, бошқа давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш сингари муҳим масалалар бўйича тегишли қарорлар муҳокама этилди ва қабул қилинди. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ ҳамда бошқа ғоят муҳим ва долзарб масалалар доимий комиссиялар томонидан дастлабки тарзда ўрганилиб, Бухоро вилояти Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш ва масалаларни муҳокама қилиш жараёнида депутатлар, сиёсий партияларнинг гуруҳлари фаол иштирок этаётганликлари, улар ўзларининг аниқ таклифлари, тавсияларини бераётганликлари, ўз нуқтаи назарлари ва фикрларини билдираётганликлари кўрсатиб ўтилди. Ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар ойда чақириладиган Кенгаш сессияларида депутатлар томонидан вилоят Кенгаши депутатларининг ҳисоботлари ҳам мунтазам муҳокама қилинади. Ҳар чоракда вилоятда барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлисларини ўтказиш амалиёти татбиқ қилинмоқда. Бундан ташқари, вилоят Кенгашининг ташаббуси билан мунтазам равишда қўшма мажлислар ташкил этилмоқда. Уларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда у ёки бу ҳудуднинг долзарб масалалари муҳокама қилинади ва ҳал этилади. Шундай амалиёт халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари фаолиятига ҳам жорий қилинган бўлиб, улар ўз мажлисларини, қоида тариқасида, ойда икки марта ўтказадилар.

Шуни қайд этиш лозимки, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг аксарият депутатлари давлат ва ҳудудий дастурларнинг ўз сайлов округларида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар, ўз электоратлари билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказмоқдалар, қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бермоқдалар.

Вилоят Кенгаши фаолиятида депутатлар малакасини ошириш ва уларнинг иш тажрибасини бойитиш, шунингдек, фаолиятини кучайтириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, ҳар чоракда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари учун долзарб мавзулар бўйича ўқув машғулотлари ўтказилаётир. Депутатлар белгиланган намуна асосида ҳар ойда тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг раисига ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиб келишаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказиш мақсадида халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши томонидан турли даражаларда аниқ мақсадга йўналтирилган тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда депутатлар ва сенаторлар билан ўтказилган учрашувлар вақтида аҳоли томонидан билдирилган барча таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилаяпти.

Сайёр мажлис иштирокчилари қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши устидан халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши томонидан депутатлик назоратини амалга ошириш, депутатлар корпусининг мунтазам ўқувини, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ишни ташкил этиш, долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича қўллаётган усулларини ҳам ўргандилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати.**

*Юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилгани бунинг ёрқин далилидир.*

# Парламент фаолияти — ОАВ нигоҳида

Бу эса, ўз навбатида, республикамизда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ислоҳотлари мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда муҳим омил бўлмоқда. Миллий парламентимиз фаолиятини изчил ёритиб боришда эришилаётган самаралар ҳам шундан далолат беради.

**Тадбир**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган семинар-тренингда сўзга чиққанлар шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. "Парламент журналистикасининг долзарб масалалари" мавзуида уюштирилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Табиийки, глобаллашув жараёни юртимиз оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар — жамиятнинг барча тизимларидаги модернизация жараёнларини ўз вақтида ҳамда тушунарли қилиб халққа етказиб бериш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз".

Бу йўлда парламент журналистикаси ривожи, шу жумладан, депутатлар ҳамда ОАВ ўртасидаги самарали ҳамкорлик айни муддаодир. Семинар-тренингда ҳам ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг парламент қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари мажлислари ҳамда депутатларнинг электорат билан учрашувлардаги иштирокини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бу борадаги тайёрланаётган мақола, кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифатини ошириш, сайловчиларнинг депутатлар фаолиятидан хабардорлик даражасини юксалтиришда замонавий журналистика ютуқларидан самарали фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЗАМОНАВИЙ ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ

## иқтисодий салоҳиятни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга



*Бугунги кунда иқтисодиёт равнақини лизинг тизимисиз тасаввур этиш қийин. Зотан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда мазкур замонавий тармоқнинг аҳамияти беқиёс.*



Ҳозирги кунга келиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу соҳанинг тараққий этишига замин яратди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларининг самарали фаолият юритишини таъминлашда қўл келмоқда. Хусусан, юртимиз ялпи ички маҳсулотида лизинг операциялари улуши йил сайин ўсиб бораётгани ҳамда шу фаолият билан шуғулланадиган молия муассасалари, компаниялар ва кредит уюшмалари кўпаяётгани эътиборлидир.

Куни кеча пойтахтимизда иш бошлаган 3-Тошкент Халқаро Лизинг Форуми(ТХЛФ — 2011)нинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар шулар ҳақида таъкидлаб ўтдилар. Тадбирда парламент аъзолари, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий лизинг, суғурта компаниялари, молия муассасалари вакиллари ҳамда мутахассислар иштирок этмоқда. Анжуман Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси ҳамда "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан уюштирилаётир.

— Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимиз лизинг хизматлари бозорида умумий миқдори 430 млрд. сўмликдан ортиқ 5500 дан зиёд битимлар имзоланди, — дейди Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси бош директори Зафар Мустафоев. — Бу 2009 йилдагига нисбатан 7-8 фоизга кўпдир. Айтиш жоизки, лизингга берилаётган объектларнинг энг катта улуши қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада мазкур тармоқ вакиллари билан имзоланган шартномалар салмоғи 28,7 фоизни ташкил этади. Шунингдек, юк автотранспортига доир битимлар 18,6, кўчмас мулкка доир келишувлар 14,1, ирригация ускуналарига доир келишувлар 9,9 ва йўловчи транспортига доир битимлар 9,9 фоизданни ташкил этди.

**Халқаро форум**

Форум лизинг бизнеси ишбилармонлари учун тажриба алмашиш, мулоқот қилиш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берувчи интерфаол майдонга айланди.

— Ўзбекистон дунёда ўз тараққиёт модели асосида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолган саноқли мамлакатлардан биридир, — дейди халқаро "Cassiopae" лизинг компаниясининг минтақавий бўлими директори, венгриялик Игорь Шабадос. — Бундай юксак натижалар хорижлик лизинг бизнеси вакилларининг мамлакатингизга бўлган қизиқишини оширмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз маҳаллий компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантиришга қаратилган. Бунинг учун форум доирасида барча шарт-шароит яратиб берилган.

Тадбирда лизинг хизматлари соҳасида жамоатчилик мукофоти — "Олтин портфель" лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Халқаро форум давом этмоқда.

**С. САИДОВ.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# БАРАКА — ТАШАББУСКОРЛИКДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Даромаднинг кўпайиши иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, қўшимча тармоқларни ривожлантиришда қўл келаяпти. Маҳалламизда ташкил этилган тикувчилик-бичувчилик цехида бугунги кунда 5 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ўз маблағимиз ҳисобидан барпо этилган 50 сотих майдондаги иссиқхонада эса 8 киши иш билан таъминланган. Ҳозир бу ердаги лимон кўчатлари орасида помидор ва бодринг етиштираяпмиз. Шунинг ҳисобига йил охирига қадар иссиқхонанинг ўзидан 30 миллион сўм даромад олишни хомчўт қилиб турибмиз. Айни пайтда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган маҳалла гузарини ишга туширсак, яна 10 та иш жойи очилиши туфайли даромадимиз бундан ҳам ортади.

Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатидан кўнглимиз тўқ: 28 гектар майдондаги ғалланинг ривожи баравж, 30 гектар ерга қадалган чигитни эса бехато ундириб олиб, ғўза парваришига киришдик.

Энг муҳими, ҳар бир агротехника тадбирини мутахассислар тавсияси асосида ўз вақтида, сифатли ўтказаяпмиз. Намни сақлаш, сувни тежаш мақсадида маҳаллий ўғитдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Зеро, вақтида ишлов берилган, сув ва ўғитга қондирилган, деҳқон меҳридан кунда бир яшнаган экиндан мўл ҳосил олиниши, шубҳасиз.

**Шуҳрат ЧОРШАНБИЕВ,**
**Термиз туманидаги «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш субъекти аниқ кўрсатилмаганлиги боис бугунги кунгача амалиётда суд тергови вақтида айблов хулосаси айрим ҳолларда судьялар томонидан ўқиб эшиттирилиши, қайсидир маънода, судларнинг вазифа ва ваколатларига тўғри келмайди. Зеро, судлар айбловчи ва ҳимояловчи функциясини эмас, балки холис, қонунга асосланган ҳолда низонинг ечимини топиши, ишни мазмунан ҳал этиш вазифасини бажариши, аниқроғи, одил судловни амалга ошириши лозим.

Судьялар томонидан биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасининг ўқиб эшиттирилиши бир қатор салбий мулоҳазалар туғилишига ҳам сабаб бўлади. Аввало, судда айбланувчи сифатида иштирок этаётган тарафлар онгида мазкур айбловнинг ташаббускори суднинг ўзи, деган тасаввур ҳамда фикр шаклланишига олиб келади. Чунки судья айблов хулосасини ўқиганда, бу унинг фикри деган тасаввурнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Айни пайтда бундай ҳолат айбланувчининг руҳиятига ўзига хос салбий таъсир кўрсатадики, гўё судья ушбу жараёнда холис одил судловни амалга оширадиган субъект сифатида эмас, балки судланувчи қаршисида унга айб юклаётган мансабдор шахс сифатида гавдаланади. Шу билан бирга, бундай ҳолат муҳим умумий ҳуқуқий тамойиллар ҳисобланган қонунийлик ва судларнинг мустақиллиги каби раҳбарий қоидалардан қисман четга чиқилишига, жиноят процессининг муҳим принципи ҳисобланган судда ишларни юритишда тортишув тамойилининг амалга оширилиши учун муайян тўсиқлар пайдо бўлишига олиб келади.

Бу эса, табиийки, суд жараёнида айбланувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдиришига, уларнинг ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиши натижасида эркин тортишувларга киришишига, алалоқибат, судда ишларни юритишда тортишув тамойилининг тўлиқ амалга оширилишига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, мамлакатимиз Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида "Судда ишларни юритишда тортишув" принципи ўз ифодасини топган бўлиб, унга асосан, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда, иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши, тарафлар иштирок этиши ва далиллар тақдим қилиши, уларни текширишда қатнашиши, илтимос билан мурожаат қилиши, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари, суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламаслиги, суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда, тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб бериши белгиланган.

Албатта, суд жараёнида тарафлар, яъни айбланувчи ва жабрланувчи ўз фикрларини эркин билдириши, ишга оид тафсилотларни тўлиқ айтиб бериши, судьялар бу жараёнда холисликни таъминлаши ва қонунга асосланган ҳолда низони ҳал этиши, айбланувчи ёки жабрланувчи ёхуд суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига ортиқча босим ўтказмаслиги, уларнинг фикрини чалғитмаслиги ҳамда одил судловни амалга ошириши лозим. Мазкур ҳаётий нормалар қонуний ва адолатли ҳукм чиқарилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига ҳамда суд ҳокимияти обрўси мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган таклифни, яъни Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг ўрнатилиши суд жараёнида тортишув принципининг тўлиқ амалга оширилишига, судлар холислиги ва беғаразлигининг таъминланишига олиб келади.

**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти етакчи илмий ходими.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли банк-молия тизимида улкан ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бугунги кунда республикамиздаги аксарият молия муассасаларининг фаолияти жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани, айниқса, уларнинг ишончли ва кафолатли хизматларига аҳоли орасида эҳтиёж тобора ортиб, банк-мижоз алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бораётгани ана шундан далолат беради.

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ПОЙДЕВОРИ

***Пойтахтимизда бўлиб ўтган "BankExpo — 2011" банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари йиллик миллий кўргазмасида бу яна бир бор ўз ифодасини топди.***

Албатта, банкларнинг фаолиятини кучайтириш, уларнинг инвестициявий имкониятларини кенгайтириш учун ресурс базасини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатидан яхшилашда замонавий технологияларнинг ўрни беқиёс. Бу борадаги ишларни ривожлантиришда эса мазкур тадбир алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, айтиш мумкинки, анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган "BankExpo — 2011" миллий кўргазмаси банк-молия ташкилотлари ҳамда компаниялар вакиллари учун ўз хизматлари, технология ва ускуналарини намойиш этиш баробарида, соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш имконини бермоқда.

**«BankExpo — 2011»**

Кўргазма доирасида турли семинарлар, учрашувлар, банк-молия институтлари, назорат қилувчи органлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан бевосита мулоқотлар ўтказилиши тадбирнинг аҳамияти йилдан-йилга ортишига хизмат қилаётир. Молия-иқтисод, банк-кредит тизими мутахассисларини соҳага йўналтириш мақсадида уюштирилган "Мутахассис карьераси куни" бўш иш ўринлари ярмаркасига уч минг нафардан зиёд киши ташриф буюриб, уларнинг минг нафардан ортиғи ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашгани бунга яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, тадбирда "Алоқабанк" ва "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилгани ҳам диққатга сазовордир.

Кўргазма якунида "Энг яхши инновацион стенд", "Энг яхши инновацион маҳсулот", "Энг яхши реклама компанияси", "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", "Энг яхши ҳудудий банк", "Энг яхши техник жиҳозланган стенд" сингари ўн бир номинацияда ғолиб бўлган молия муассасалари ҳам мукофотландилар.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган мазкур кўргазма томонларнинг самарали ҳамкорлик ўрнатишлари ва соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЪЗОЗ ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол шарофати билан хотира ва қадрлаш деган олижаноб тушунча асл маъно-моҳияти билан ҳаётимизга кириб келди. Мана, бир неча йилдирки, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Мен узоқ йиллар таълим тизимида ишлаганман. Мустабидлик даврида ёшларга сабоқ беришда қандай сиёсат юритилганинию кимларни оқ, кимларни қора деб аташга мажбур бўлганимизни кечагидек яхши эслайман. Эҳ-ҳе, уларни айтаверсанг, адоғига етолмайсан. Ўша вақтларда ич-ичимиздан орзу қилардикки, қани энди юртимиз ўз эркини қўлга киритса-ю, ҳақиқат қарор топса... Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, Президентимизнинг жасорати, шижоати билан шундай кунларга етишдик, тарихий адолат қарор топди, одамларимизнинг турмушига барака кирди, ҳамма бирдек қадрлана бошланди.

Юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин. Биз, кексалар эъзоз ва эътибордамиз. Ҳозир қаерга бормайлик, ҳурмат кўрсатишади, қўни-қўшнилар яхши кунларига таклиф этишади. Ўзимдан қиёс. Мактабда ўқитган ўқувчиларимни айтмайсизми, бир кун бири, бошқа кун яна бири келиб, ҳолимдан хабар олишади. Маҳалламиз фаоллари, жамоатчилик ташкилотлари ҳам тез-тез йўқлаб туришади. Улар билан юртимиздаги улкан ўзгаришлар, одамларимизнинг ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ҳақида дилдан суҳбатлашамиз. Биз ҳаётда кўп машаққатларни бошдан кечирганимиз учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда, “Бугунги куннинг, тинчликнинг қадрига етинглар, элга муносиб фарзанд бўлинглар” дея уқтирамиз. Чунки ҳеч бир замонда одамлар ҳозиргидек қадрланмаган, уларга бундай эътибор кўрсатилмаган. Бугунги иззат-икромдан худди яна яшариб бораётгандек ҳис қиларкансан, ўзингни.

Бу йил мен Хотира ва қадрлаш куни арафасида 90 баҳорни қаршилаяпман. Ўтган умримнинг қарийб йигирма йили мустақиллик даврида кечганидан минг бор розиман. Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонини газетада ўқиб, беҳад қувондим. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофоти белгиланиб, уни тантанали ҳамда байрамона тарзда топшириш таъкидланибди. Бундай эътибор, эъзоз кучимизга куч қўшади, руҳимизни янада кўтаради.

Бизни ўйлаб, иззат-ҳурмат кўрсатаётган Юртбошимиз барака топсинлар, доимо соғ-омон бўлсинлар. Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларида у кишини Яратганнинг ўзи доимо қўлласин ва мададкор бўлсин.

**Юсуфжон ШОКИРОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
Учтепа тумани.

# «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилда алоҳида Давлат дастури билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилаётгани, қолаверса, Концепцияда ҳам бир қатор қонунларни қабул қилиш мўлжалланаётгани ўзининг улкан самараларини бериши турган гап. Негаки, зарур шарт-шароитларнинг яратилиши тадбиркор ўзбек халқига қанот бағишлаб, уларнинг нафақат ички бозорда, балки халқаро бозорларда ҳам муҳим ўрин эгаллашига ишонаман.

**Юрий ДУБРОВИН, сиёсий фанлар доктори, профессор (Россия):**

— Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг долзарблиги шундаки, у Ўзбекистон тараққиётининг муҳим бир босқичида жорий этилмоқда. Чунки бугунги глобаллашув даврида, биринчи навбатда, эришилган натижалар билан кифояланмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши инкор қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Мен конференция арафасида, қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали Концепциянинг мазмун-моҳиятини, сиёсий аҳамиятини чуқур таҳлил қилиб, шунга амин бўлдимки, у замонавий сиёсий фанлар учун муҳим манбадир. Уни ҳамкасбларим — олимлар давлат ва жамиятни тараққий эттириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид илмий тадқиқотларни ривожлантиришда улкан аҳамиятга эга бўлган чуқур фундаментал ҳужжат сифатида эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат, унда замонавий фуқаролик жамияти тушунчаси, шунингдек, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштиришга доир сиёсий фанларнинг энг муҳим масалалари қамраб олинган бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатингиз жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

## электр энергетикаси тизимида янги саҳифалар очади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда шундан 6 таси муваффақиятли рўёбга чиқарилаяпти. Бу ҳақда кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда асосий эътибор янги объектларни қуришга эмас, балки мавжудларини модернизация қилиш, улардаги қўшимча қувватларни ишга туширишга қаратилмоқда. Шу мақсадда 5,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиши кутилаяпти. Унинг салмоқли қисми жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, ХХР “Эксимбанк”и сингари хорижий молия муассасаларининг улуши эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

Модернизациялаш ишларининг дастлабки босқичида “Толлимаржон” ИЭС, “Тошкент” ИЭМ ва “Янги Ангрен” ИЭСлари технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Бундан ташқари, йилига 15 минг километр узунликдаги электр линиялари қайта реконструкция қилиниб, 7 минг километрга янги линиялар тортилади. Бунинг учун зарур кабелларни Маҳаллийлаштириш дастури доирасида юртимиздаги корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими, айниқса, анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шу боис соҳа мутахассислари унинг афзалликлари ҳақида атрофлича маълумот бердилар. Уларнинг айтишича, янгилик ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилган ҳолда, 2015 йилга бориб, мамлакатимиз бўйича тўлиқ жорий қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, 2011 йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ишлар жадал давом эттирилиб, компания маблағлари ҳисобидан маиший секторга 122,6 минг дона бир фазали электрон ҳисоблагич ўрнатилди.

Йиғилишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, хусусан, шамол энергияси станцияларини барпо этиш ишларининг истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Айни пайтда мамлакатимизда бундай ускуналарни ўрнатиш қулай бўлган 5 та ҳудуд аниқланган. Бу жойларда қурилмаларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.

Компания жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйигача 20 та янги объектни фойдаланишга топшириш учун мавжуд имкониятларни ишга солмоқда. Қўшимча тармоқларни ривожлантиришга мўлжалланган бу лойиҳалар нурчиларнинг чинакам байрам тухфаси бўлади, албатта.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга соҳа мутахассислари атрофлича жавоб бердилар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2011 йилда умумтаълим мактабларига замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва спорт анжомлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа чолғу асбоблари, мебель ва техник инвентарлар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилаётганлигини маълум қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, уларда умумтаълим мактаблари учун ўқув мебеллари ва жиҳозлари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари, компьютер техникаси ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа чолғу асбоблари, ускуналари ҳамда инвентарларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Бунда кичик бизнес субъектларига тендер савдоларида иштирок этишда имтиёзлар татбиқ этилади.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар қатнаша оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:**

* *қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;*
* *малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;*
* *Халқ таълими вазирлиги билан илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;*
* *тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;*
* *буюртмачи — Халқ таълими вазирлиги билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;*
* *тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган;*
* *бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган ташкилотлар ва фирмалар.*

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлари очилишидан олдин, тендер комиссияси томонидан ўтказиладиган малакали танлов (квалификационный отбор)дан ўтишади. Бунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида жилд (папка)да қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

* *ишлаб чиқариш, сақлаш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси, дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;*
* *Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;*
* *давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;*
* *талабгорнинг юридик шахс, кичик бизнесга тааллуқли эканлиги тўғрисида давлат статистика органлари томонидан берилган маълумотнома;*
* *Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома (солиштирма далолатнома билан бирга);*
* *талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;*
* *талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.*

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 6 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, ишчи орган ёки ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини (ижара шартномаси, ижара биноси, мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ҳамда дастгоҳлари ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари мавжудлигини) ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни шартнома имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бошқармаларидан рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан 60 (олтмиш) кун мобайнида етказиб беришлари шарт.

Тендер савдолари тўғрисида ва харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилган санадан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**100017, Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58,**
**239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.**
**Факс: (8-371) 239-89-58.**

Шунингдек, харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

**Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари:**
**ҳ/р: 20203000100101044002, АТ «Ипотека-банк»и,**
**«Меҳнат» бўлими,**
**Тошкент шаҳри, МФО: 00423, СТИР: 201122808,**
**ОКОНХ: 97300.**

Тендер таклифи умумий қийматининг 3 (уч) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда, ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2011 йил 16 май куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Мазкур эълон жорий йилнинг 16 апрель куни «Маърифат» газетасининг 30 (8367)-сонида чоп этилган.

591R/507




## Танлов

***Солиқ саводхонлиги ва қонунчилигини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишда турли кўрик-танловларнинг аҳамияти ғоятда каттадир. “Солиқ билимлари — болаларга!” деб номланган ижодий кўрик-танлов — шундай лойиҳалардан бири.***

# «СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ – БОЛАЛАРГА!»

Мазкур танлов Давлат солиқ қўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад ўқувчи-ёшларда солиқ маданиятини шакллантириш, солиқ саводхонлиги ва қонунчилиги бўйича билим ва малакаларини янада мустаҳкамлаш, улар орасидан энг аълочиларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бу йилги танловда мамлакатимизнинг барча мактаблари, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳам қамраб олинди. Унда иштирок этган 1 — 4-синф ўқувчилари “Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири”, 5 — 9-синф ўқувчилари “Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари “Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати” мавзуидаги энг яхши иншо” ҳамда “Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?” мавзуидаги энг яхши компьютер тақдимоти” йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Р. САИДОВ.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!
Сиз хўжалик низоларини тез ҳал этмоқчимисиз?
Энг тезкор ва самарали
ҳакамлик судлари
сизнинг хизматингизда!
Ҳакамлик судлари ассоциацияси
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (+998 97) 427-56-41, 159-01-50.
585R/524




«ASIA TEA PACKING» МЧЖ
«OSIYO CHOY»
савдо белгисидан совғалар»
ютуқли ўйин қоидаларига кўра,
ютуқли ўйин совғаларини
бериш муддати
2011 йил 31 майга қадар
эканлигини маълум қилади.
588R/530



# СУРХОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

талабаларининг Универсиада мусобақаларидир. Мазкур беллашувларнинг дастлабки босқичидаёқ минг-минглаб ёшлар спорт борасида ўз имкониятларини синаб кўрадилар.

Дунё миқёсида ноёб саналган ушбу тизим фарзандларимизни фойдали ҳамда мазмунли ҳаракатга йўналтириш, уларда жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, мухтасар айтганда, спортни ҳаётий эҳтиёжларига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Термиз шаҳрида нафосат, дўстлик, шижоат ва маҳорат байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Ана шу мусобақа муносабати билан қурилган "Сурхон" спорт мажмуаси бунинг ёрқин далилидир. Бу ерда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари бунёд этилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, ўнга яқин спорт иншооти тубдан таъмирланиб, замонавий усулда жиҳозланди. Жумладан, Термиз давлат университети, шаҳардаги 1 ва 2-академик лицейлар, санъат, педагогика, олимпия захиралари коллежлари бинолари, "Дельфин" сузиш ҳавзаси, "Алпомиш" теннис корти ва кураш мажмуаси, Термиз аэропорти, темир йўл вокзали, вилоят қўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри, Термиз археология музейи, Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси ва қатор бошқа иншоотлар тубдан таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Иштирокчилар ва меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, кузатиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича гуруҳлар фаолият юритмоқда. Спорт анжумани қатнашчилари саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам барча зарур чоралар кўрилди.

Албатта, ўқувчи-спортчиларнинг кўпчилиги "Баркамол авлод — 2011" мусобақалари муносабати билан Термизга биринчи марта ташриф буюрадилар. Шуни инобатга олиб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам маданий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади, олимлар, фан ва маданият намояндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар ўтказилади, санъат усталари иштирокида концерт дастурлари ташкил этилади.

Мусобақаларнинг қизиқарли, кескин ва муросасиз ўтиши кутилмоқда. Чунки ҳар бир вилоят жамоаси республика босқичи беллашувларига пухта тайёргарлик кўришган. Ўз навбатида, мезбонлар ҳам совринли ўринларни қўлга киритишни мақсад қилганлар. Сурхондарёлик ёшлар энг замонавий спорт иншоотларида тажрибали мураббийлар бошчилигидаги машғулотларда иштирок этдилар.

— Вилоят терма жамоаси таркибида ўттиздан зиёд ўқувчимиз иштирок этади, — дейди Термиз олимпия захиралари коллежи директори З. Жумаев. — Улар орасида белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионлигига эришган Исломжон Йўлдошев, кўп карра Ўзбекистон чемпионлари Жамол Эшбоев, Рихсибек Мамадалиев, футбол бўйича мамлакат олий лигаси жамоалари аъзолари Акмал Тўхтаев, Шоҳруҳ Қурбонов, Сирожиддин Аллаев сингари тажрибали спортчилар бор. Умид қиламизки, ўқувчиларимиз масъулиятли беллашувларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Шу азиз юртга, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликларига амалий жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, янгидан-янги муваффақиятлари билан бутун мамлакатни қувонтираётган ёшлар вакилларига "Баркамол авлод — 2011" беллашувларида омадлар тилаб қоламиз.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА,**
**махсус мухбиримиз.**

**Фестиваль**

***Наманганда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб вилоят ёшларининг "Қадриятларни қадрлаймиз" деб номланган фестивали бўлиб ўтди.***

## Қадриятларни қадрлаётган ёшлар

"Камолот" ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда тўрт минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Косонсой туманидаги тарихий "Муғтепа" қалъасига тўпланган ёшлар миллий қадрият ва урф-одатларимизни янада юксалтириш, ўсиб келаётган авлод онгига ватанпарварлик туйғуларини чуқур сингдириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа доирасидаги кўргазма, бадиий жамоаларнинг чиқишлари, ёш келин-куёвлар беллашуви, "Ўз миллийлигингни намоён қил" шиори остида иқтидорлилар баҳси ва халқ ўйинларини завқ билан томоша қилдилар. Якунда Янгиқўрғон тумани вакилларига олий ўрин, Чуст тумани ёшларига биринчи, Чортоқ ва Наманган туманлари йигит-қизларига иккинчи ўрин насиб этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ALOQABANK

«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги

2011 йил 18 апрелда

ОАТ «Алоқабанк»нинг рейтинг баҳосини

B1/NP/E+;
«Барқарор»

даражасида яна бир бор тасдиқлади.

Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли депозитлар рейтингини қуйидагича тасдиқлади:

- миллий валютада **B1**
- халқаро валютада **B2**

Хизматлар лицензияланган.

Телефон: (+998 71) 252-78-82.
www.aloqabank.uz
info@aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN


**Бухоро томонларда**

***Жорий ўқув йилидан бошлаб мактаб ўқувчилари ўртасида илк бор ўтказилаётган Билимлар синовининг Бухоро вилояти босқичига якун ясалди.***

## БИЛИМЛАР СИНОВИ

Синов натижаларига кўра, жами 37 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Эндиликда улар Навоий вилояти вакиллари билан минтақавий босқичда куч синашадилар. Унда ғолиб чиққан ўғил-қизлар эса ўз ўқитувчилари билан биргаликда республика "Иқтидорли болалар" ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. Улар учун олим ва мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари, турли учрашув ва мусобақалар ташкил этилиши режалаштирилган.

## КОЛЛЕЖ АЪЛОЧИЛАРИГА СТИПЕНДИЯ

***Пешку иқтисодиёт коллежида фанларни ўзлаштиришда юқори натижаларга эришаётган, жамоат ишларида фаол қатнашаётган ўқувчиларга стипендия бериш йўлга қўйилди.***

Бунинг учун энг аълочи, зукко, изланувчан 15 нафар ўғил-қиз, танлов натижаларига кўра, саралаб олинди. Улар тумандаги "Фаттоев", "Жўра Нишод" каби фермер хўжаликлари ҳамда бир қатор корхоналар ҳомийлигида ҳар ойда стипендия билан таъминланишаяпти. Бу хайрли иш коллеж ўқувчиларининг касб-ҳунар сирларини ўрганишга бўлган иштиёқини янада кучайтирмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

*«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида*

**кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун қуйидаги маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эга эканлигини маълум қилади:**

- **икки ярусли айланма тиргакли плуг.**
- **Дағал ва нам ем-хашакларни универсал майдалагич.**
- **Омихта ем тайёрлаш учун аралаштиргич.**
- **Ўсимлик пояларини майдалаш учун кичик ускуна.**
- **Мой ишлаб чиқариш ускунаси ва унга эҳтиёт қисмлар.**
- **Ҳайдалган ерни текислаш учун мола.**

Мулоқот учун телефонлар:
(8-436) 227-64-03, 227-71-52, 227-76-57, 227-73-81.

590R/114


## ОБ-ҲАВО (29 апрель)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 13-18, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 14-16, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


*ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!*

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг **ЖУМА** куни
**«Тадбиркорлар куни»**
(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг **ЖУМА куни соат 9.00 дан 13.00 гача** республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

*Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.*

Мурожаат учун телефонлар:
**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:**
**(8-371) 150-60-06, 150-60-05;**
**(8-800) 120-04-04** (ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат уй телефонларидан амалга оширилиши мумкин).
**E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz**

177R/152



«FITO SEMILASS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили

Испаниядан келтирилган **маккажўхори ва чим уруғларини** биринчи экин учун таклиф қилади.




Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 100-83-13, (+99898) 313-83-13, (+99893) 382-56-57.
(+99871) 257-44-01, (+99871) 257-44-03, (+99871) 257-58-61(факс).

575R/503


"O`zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Икром Чориевга падари бузруквори
**Бўри ота ЧОРИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Kafolat" davlat-aksiyadorlik sug`urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси компаниянинг Андижон вилояти филиали бош бухгалтери Улуғбек Маматовга рафиқаси
**Одинахон МАМАТОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси жамоаси компаниянинг Самарқанд вилояти филиали директори Алишер Ғаффоровга акаси
**Анвар ҒАФФОРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор Икром Бултаковга акаси
**Исмоил БУЛТАКОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5